

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 132 (11.443)

Баҳси эркин нарҳда



ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ

СОБИР РАҲИМОВ ТУМАНИ



ЯНАДА ОБОД БЎЛ, ЖОНАЖОН ШАҲРИМ!

Айни кунларда Энг улуғ ва азиз байрам — Мустақиллигимизнинг 18 йиллиги ва кўҳна, ҳамиша навқирон шаҳримизнинг 2200 йиллигини муносиб кутиб олиш ва тантанали нишонлаш учун катта тайёргарлик ишлари кетмоқда. Хусусан шаҳримизнинг энг намунали туманларидан бўлмиш Собир Раҳимов туманида ҳам бу борада ишлар ҳавас қилгулик даражада олиб борилмоқда.

Айни вақтда умумий майдони 3,45 минг гектарни ташкил этган ушбу туман ҳудудида истиқомат қилувчи 305,2 минг аҳоли турли соҳаларда фаолият кўрсатиб бир оила фарзандларидек режалар ишларни амалга ошириб келмоқда. Аҳоли саломатлиги, саводхонлиги, ижтимоий ҳимояси бўйича 14 та касалхона, 10 та поликлиника, 129 та дорихона, 1 та кинотеатр, 2 та маданият ва истироҳат боғи, 4 та стадион, 5 та сув хавзаси, 68 та спорт зали ва 200 та очик спорт майдонлари хизмат қилмоқда.

Туманда фаолият кўрсатган йирик корхоналар сони 12 та, кўшма корхоналар 207 та, кичик ва хусусий бизнес субъектлари 2928 тани ташкил этади.

Кейинги пайтларда экспорт соҳасида кўлга киритилган ютуқларга аввало, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш дастурларини амалга ошириш, замонавий бозор инфратузилмасини шакллантириш эвазига эришилди десак муболаға бўлмайди.

Таркибий ўзгаришларни изчил амалга оширишда қўлай инвестиция муҳити-

нинг яратилгани асосий омил бўлиб келмоқда. Жами инвестициялар ҳажми 1-чоракда 56,8 миллиард сўмини ташкил этганлиги ёки ўсиш суръати қарийб 4 баробарга ошганлигини кўрсатишимиз мумкин. Жумладан ҳудудий инвестиция Дастури бўйича ўтган давр мобайнида 412,5 минг АҚШ долларига тенг миқдорда чет эл сармоялари жалб этиш мўлжалланган бўлса, ҳақиқатда 1315,2 минг АҚШ долларига тенг миқдорда инвестиция киритилгани эътиборга лойиқдир.

Кичик ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, уларга кредитлар ажратиш, фаолият кўрсатмаётган хўжалик субъектларига ёрдам бериб уларнинг фаолиятини қайта тиклашга ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Аҳамиятли томони шундаки, ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмининг 64,5 фоизи ушбу субъект вакиллари улушига тўғри келади.

Аҳоли бандлиги масаласида ҳам бир қатор ишлар олиб борилиб, 2009 йилнинг 5 ойида 6180 га яқин иш-сизлар иш билан таъминланди, бу борада белгиланган кўрсаткич 103,5 фоизга

ортиги билан бажарилди. Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, кўп болали оилалар, кекса ва ногирон фуқаролар, Мехрибонлик уйлари тарбияланувчилари ва шу каби ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳомийлар ва ижрочи ташкилотлар ҳисобидан жами 39,2 миллион сўм маблағ ажратилиб, уларга моддий ёрдам сифатида топширилмоқда.

Шунингдек, туманда пойтахтимизнинг 2200 йиллигини ишда юқори кўрсаткичларга эришиб кутиб олиш, гулу дарахтлар экиб, ободонлаштириш мақсадида мавжуд 149 та уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан 5 та кўп қаватли уйларнинг муҳандислик тизимлари капитал, 29 минг метр том қисми мукаммал таъмирланди, 3 та лифт тўлиқ алмаштирилиб, 17 таси капитал таъмирланди. 60 та кўп қаватли ва 1741 та яқка тартибдаги уйларнинг фасадлари таъмирланди ва бу ишлар ҳали давом этмоқда.

Туман ободонлаштириш бошқармаси томонидан 341 минг донга бир йиллик, мак-

табгача таълим муассасалари ва мактаблар томонидан 165 минг донга, ижтимоий мажмуа ташкилотлари томонидан 14 минг донга, ХУЖМ-Шлар томонидан 674 та кўп қаватли уйлар атрофларига 67400 донга ва бошқа корхона, ташкилотлар томонидан жами 2 миллион 300 минг донга бир йиллик гул қўчатлари экилди. Туман маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан ҳомийларни жалб этган ҳолда Хуррият, Шифокор, Ф.Каримов, Дадабоева кўчалари, «Тахтапул» маҳалласи, Енгил санат коллежи олдидаги йўлга 50 метр куб асфальт ётқизирилиб йўллар таъмирланди. Йил бошидан буён 348 тонна асфальт ётқизирилиб, 420 ми квадрат метр шоҳкўчалар таъмирланди. Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига асосан маҳалла ҳудудларининг ўзида ободонлаштириш учун 340 та ва ободонлаштириш бошқармаси томонидан шоҳкўчаларни ободонлаштириш учун 233 та янги иш ўринлари яратилди.

(Собир Раҳимов туманига бағишланган материаллар билан газетамизнинг 2-саҳифасида танишасиз)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар комплексининг 2009 йилнинг биринчи ярмида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

ЯРИМ ЙИЛЛИК САРҲИСОБИ

Мажлисда Комплекс соҳаларининг ҳисобот давридаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукуматининг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таъсирини бартараф этиш борасида қабул қилинган қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 1 апрелда қабул қилинган «Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси тизимида юқори технологияли телерадиоускуналардан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан белгиланган вазифа ва топшириқлар ижросини таъминлаш, давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий ҳокимлик органлари ахборот тизимларининг интеграциялашган тармогини яратиш ва идоралараро электрон ҳужжат алмасуви жорий этилишини ҳамда Комплекс таркибига кирувчи идораларда ижро интизомини мустаҳкамлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

2009 йилнинг ўтган даврида Комплекс бўйича 834,8 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди (2008 йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 130,1 фоизни ташкил этди). Жумладан, аҳолига кўрсатилган пуллик хизматлар 451,2 млрд. сўмини (140,8 фоиз) ташкил этди.

Экспорт бўйича прогноз сарфаткичлари 128 фоизга, Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар режаси 120 фоизга бажарилди.

Мажлисда «Кишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури ҳамда маҳаллийлаштириш ва ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турларини кўпайтириш, уларнинг таннархини пасайтириш, ишлаб чиқариш ҳамда хомашё ресурсларидан омилкорлик ва тежамкорлик билан фойдаланиш, корхоналарнинг экспорт имкониятларини ошириш сингари устувор вазифаларнинг ижроси, меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш борасида амалга оширилган ишлар таҳлил қилинди.

Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий ҳокимлик органлари ахборот тизимларининг интеграциялашган тармогини яратиш ва идоралараро электрон ҳужжат алмасувини жорий этиш, Тошкент вилояти ҳокимлиги, шаҳар ва туманлар ҳокимликларида ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш орқали тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича олиб борилаётган ишлар, «Ўзавтойўл» давлат-акциядорлик компанияси тизимида ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш ва ривожлантириш борасида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумати қарорларининг ижроси тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди ҳамда бу борада амалга оширилаётган ишлар самарадорлигини ошириш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

Мажлисда Комплекс таркибига кирувчи идораларда ижро интизомининг аҳоли алоҳида таҳлил этилиб, жойларда бу борада йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонларга барҳам бериш ҳамда ижро интизомини таъминлашда раҳбарлар ҳамда мутахассисларнинг шахсий масъулиятини ошириш, ҳодимларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш юзасидан аниқ топшириқлар берилди ва қарорлар қабул қилинди.

(ЎЗА)

МАМЛАКАТИМИЗДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг парламентдаги фракцияси ташаббуси билан Коллектив ҳавфсизлик тўғрисидаги шартнома ташкилоти (ОДКБ) Коллектив Ҳавфсизлик кенгашининг шу йил 14 июнда Москва шаҳрида бўлиб ўтган сессияси якунларининг муҳокамаси ўтказилди.

Навоий вилояти галлакорлари жорий йилда 40 минг 600 гектар галлазорда мўл ҳосил етиштирилди. Бугунгача қабул пунктларига қарийб 100 минг тонна сара дон топшириб, зиммаларидаги шартномавий мажбуриятни ортиги билан удаладилар. Ҳисоб-китобларга қараганда, ҳосилдорлик ўртача 46,6 центнерни ташкил этди.

Кеча Янгийўл технология-иқтисодий касб-хунар коллежи ота-оналар, маҳалла оқсоқоллари, турли ташкилот ва муассасалар ҳамда «Камолот» ЁИХ вакиллари, вилоят ва шаҳардаги ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимига дахлдор мутахассислар билан гавжум бўлди. Зеро, ушбу таълим даргоҳида битирувчиларга диплом топшириш маросими бўлиб ўтди. Бу йил коллежда 350 нафар ўқувчи тамомлади ва уларнинг тўрт нафарига имтиёзли диплом топширилди.

Самарқанд вилояти, Хатирчи туманидаги Янгиработ шаҳарчасида янги ФХДЭ бўлими фойдаланишга топширилди. «Муаззам Ҳулкар орзуси» хусусий фирмаси томонидан замонавий меъморчилик услубида бунёд этилган янги бинода фуқаролик ҳолати далолатномаларини рўйхатдан ўтказиш ҳамда ёш келин-куёвларнинг никоҳдан ўтиши муносабати билан тантаналар уюштириш учун барча шарт-шароитлар яратилган.

Андижондаги қўшма корхоналар сони яна биттага кўпайди. Бу ерда «Idas Elektroniks system» Ўзбекистон-Сингапур қўшма корхонаси фаолият бошлади. Янги корхона шу йилнинг ўзидаёқ Асака автомобилсозларида бу ерда ишлаб чиқарилаётган «Нексиа» автомашинаси учун 1 миллиондан зиёд, «Матиз» учун эса 75 минг донга замонавий плеелар етказиб беради.

Тўрткўл туманида ўқувчилар ижодиёт маркази иш бошлади. Айни пайтда марказда 36 та тўгарак фаолият кўрсатаётган бўлиб, уларда 560 нафар ўғил-қиз тажрибали мутахассислар қўли остида амалий машғулотларда қатнашмоқда.

ЖАҲОНДА

Россия ва америкалик дипломатлар стратегик ҳужум қуроллари (СХК) ни қисқартириш тўғрисидаги шартнома матнининг келишув жараёнини поёнига етказдилар. Ушбу шартнома Барак Обаманинг Россияга давом этаётган ташрифи чоғида Россия ва АҚШ Президентлари томонидан имзоланиши лозим. Мазкур янги ҳужжат амал қилиш муддати 2009 йил декабрида якунланадиган СХК-1 шартномасининг жорий қилиниши керак.

Хитойнинг Синцзян музофотида этник можролар оқибатида келиб чиққан тартибсизликлар натижасида расмий маълумотларга кўра 140 киши ҳалок бўлган, 816 киши турли даражадаги тан жароҳатларини олган. Сўнгги хабарларга кўра, айни пайтда Урумчи шаҳрида назорат ўрнатилган, полиция тартибсизликларда иштирок этганлардан 1400 кишини ҳибсга олган. Оммавий тартибсизликлар хан ва уйғур миллати ўртасида юзага келган келишмовчиликдан бошлангани айтилмоқда.

Бутунжаҳон уйғурлар конгресси Урумчидаги оммавий тартибсизликларга алоқаси йўқлигини билдирди.

Филиппиннинг Котабатто шаҳридаги черковлардан бирида портлаш содир этилди. Қўлбола портловчи қурилманинг ҳаракатга келтирилиши натижасида воқеа жойида беш киши ҳаётдан кўз юмди, 30 дан ортиқ одам жароҳатланди. Тахминларга кўра, ушбу кўпуровчилик ҳаракати маҳаллий жиноий тўда томонидан амалга оширилган бўлиши мумкин.

Кеча жаҳоннинг етакчи биржаларида ўтказилган савдоларда нефть нархининг бирмунча пасайганлиги кузатилди. Жумладан, Лондон ва Нью-Йоркдаги биржаларда бир баррел «қора олтин» нархи бир хил — 64,05 доллар миқдоридан қайт этилди.

Бугун АҚШнинг Лос-Анжелес шаҳрида «Поп мусиқа қироли» Майкл Жексон билан видолашув маросими бўлиб ўтди. Тахминларга кўра, унда 1,5 миллионгача киши қатнашиши мумкин.

Бутунжаҳон банки Грузияга 85 миллион АҚШ доллариллик миқдордаги кредит ажратилишини маъқуллади. Ушбу маблағнинг мамлакатда ислохотлар амалга оширилишини қўллаб-қувватлаш учун йўналтирилиши, шунингдек, ҳукуматга бир қатор молиявий инқирозга қарши чораларни амалга оширишга кўмаклашиш мақсадида сарфланиши кўзда тутилмоқда.

ҚИСҚА САТРАЛДАР

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

✓ **КЕЧА** Тошкент шаҳар Корей миллий маданият марказида Миробод туман маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида уюштирилган адабий кеча ва концерт дастури азим пойтахтимизнинг 2200 йиллигига бағишланди.

✓ **БУГУН** Собир Раҳимов туман хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан туманда яшовчи аёллар тиббий кўрикдан ўтказилди.

✓ **БУГУН** Тошкент архитектура ва қурилиш институтида битирувчи талаба-ёшларга дипломлар топширилди.

✓ **ЭРТАДАН** мамлакатимиз ҳудудидаги корхона, ташкилотларда электр энергияси тизимидаги ислохотларни жадаллаштириш мақсадида «Ўзбекэнерго» Давлат акциядорлик компанияси ташаббуси билан Техника ҳавфсизлиги ойлиги бошланади.

СОБИР РАҲИМОВ ТУМАНИ



ТИНЧЛИК ВА ДУСТЛИК РАҚИБИ
2200
2009
ТОШКЕНТ

ЮРТИМНИНГ ЮРАГИСАН,
АЗИМ ПОЙТАХТИМ!



Юртимизда таълим соҳасида олиб борилаётган туб ислохотлар, «Таълим тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ҳамда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши, яратилаётган шароитлар таълим-тарбия ишларини янги сифат bosқичига кўтариш, самарадорлигини ошириш учун хизмат қилмоқда.

Собир Раҳимов туманида жойлашган 32 та умумтаълим мактаблари, 57 та мактабгача таълим муассасалари, 6 та академик лицей, 8 та касб-хунар коллежи ва 3 та олий таълим муассасаларида ҳам ёш авлоднинг ҳар томонлама камол топиши, таълим-тарбия олиб касб-хунар эгаллашлари борасида барча шароитлар муҳайё этилган.

Биз туманда жойлашган 28-умумтаълим мактабида яратилган шарт-шароитлар билан танишганимизда мустақил юртимизнинг бахтли авлод вакиллари ҳавас қилдик. Чунки жаҳон андозалари даражасида қурилиб, кўрган кўзларни қувнатиб турган ушбу таълим маскани бугун бемалол дунёнинг энг ривожланган давлатларидаги ўқув муассасалари билан беллаша олади десақ асло муболага бўлмайди. Гап шундаки, 1936 йилда фаолиятини бошлаган ушбу ўқув маскани 2007 йилда капитал таъмирдан чиқарилиб, ўқувчиларнинг бекаму кўст таълим олишлари учун барча зарур шароитлар яратилгани ҳолда улар ихтиёрига топширилди.

— Мактабимизда 2020 нафар болажонлар озода, чиройли, ёруғ компьютерлаштирилган синфларда устозлик меҳнатини ўзи учун шараф деб билган ўқитувчи-мураббийлардан сабоқ оладилар, — дейди мактабнинг ўқув-тарбиявий ишлар бўйи-

Алоқа
ЮҚОРИ БАҲОЛАНГАН
ИЖОДИЙ ИШЛАР

Болалар ижодий расмлари республика танлови кутилган натижани берди. «Ўзбекистон почтаси» очик акциядорлик жамияти томонидан уюштирилган бу ижодий кўрикда ёш ҳаваскор расмлар кўли билан чизилган 30 га яқин ижод намунаси намойиш қилинди.

Ушбу расмлардан 12 таси Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг ижодий кенгаши томонидан юқори баҳоланди.

«Тинчлик кабутари», «Ҳайвонлар шоҳи», «Лайлак ини» деб номланган расмлар шулар жумласидан. Улар махсус почта маркалари сифатида тайёрланиб, муомалага чиқарилди.

ЯНГИ ДАСТУР

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан тайёрланган янги дастурда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш истиқболлари белгиланди.

Ушбу йўриқнома асосида «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси ҳам қатор ютуқларни кўлга киритди. Қўшимча хизмат турларидан олинган даромад кескин ортди. Рақамли телефон станцияларига уланган абонентларнинг деярли ярми қўшимча хизмат туридан фойдаланмоқда.

Айрим телефон станцияларига тегишли ўзгартишлар ҳам киритилди.

ИСТИҚБОЛЛИ
ЛОЙИҲАЛАР

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси телекоммуникация тармоғини ривожлантиришга қаратилган ўнга яқин лойиҳани тайёрлади.

Шу ўринда Тошкент-Бухоро магистрал алоқа линиясини модернизация қилиш, Тошкент шаҳар маълумотлар узатиш тармоғини замонавий технологиялар асосида кенгайтириш лойиҳаларини ҳам айтиб ўтиш жоиздир. Халқаро ушбу режалар амалга ошган заҳира каналлари сизими ортиб, аҳолига янги турдаги телекоммуникация хизматлари тақдим этилади.

Фан

ЗАМОНАВИЙ
ДИСПЕТЧЕРЛИК
ТИЗИМИ

Ўзбекистон Фанлар академияси «Академасоб» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси фан ва техникага оид қурилмалар намуналарини яратиш устида самарали изланмоқда. Бундай мосламаларнинг аксарияти буюртма асосида тақдим этилмоқда.

Тошкент метрополитени буюртмаси бўйича олиб борилган тадқиқотлар ҳам эътиборни ўзига тортади. Жумладан, Юнусобод метро йўналишида қўрилган телемеханизацияланган диспетчерлик тизими ҳам асосбос олимларга катта иқтисодий фойда келтирди.

Ҳозирда бирлашма Тошкент метросини бунёд этиш билан боғлиқ қатор янги ишланмалар устида изланмоқда.

ГРИПП ВИРУСИГА
ҚАРШИ ВОСИТА

Биоорганик кимё институти республикамиздаги йирик илмий муассасалардан бири сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Бу ерда яратилаётган турли дори-дармонлар ҳам энг яхши тадқиқот намуналари деб баҳоланмоқда. «Рутан» деб номланган препаратни ҳосил қилишда олимлар тотим ўсимлигидан фойдаландилар. Терини ошлашда ишлатиладиган бу ўсимлик таркибида грипп вирусини йўқотадиган модда борлиги ҳам аниқланди.

ЯНГИ
ТЕХНОЛОГИЯЛАР
АСОСИДА

Полимерлар физикасини тадқиқ этишда компьютер технологияларидан ҳам фойдаланилмоқда.

Ўзбекистон Фанлар академияси полимерлар кимёси ва физикаси институти олимлари таъсирали билан бу илмий жараёни янада ривожлантиришга эришилди.

Илмий муассасада олимларнинг ушбу фан соҳасининг янги истиқболли йўналишларини тадқиқ этишда эришаётган ютуқлари эса йирик монография ва ўқув адабиётларида ўз ифодасини топти.

Акбар АЛИЕВ

Иқтисодиёт

СИФАТЛИ МАҲСУЛОТНИНГ ХАРИДОРИ КЎП

Йилдан йилга обод ва кўркам бўлиб бораётган мустақил диёримизда ҳар соҳада амалга оширилаётган изчил ислохотлар қаторида иқтисодиёт ривожига ҳисса қўшиб келаётган корхона ва ташкилотлар сафи ҳам тобора ортиб бормоқда.

Хусусан, Собир Раҳимов туманида корхоналарни қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор фаолият юритишларини таъминлаш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Бунга биз «Байтекс тижарет» чет эл корхонаси масъулияти чекланган жамият фаолияти билан яқиндан танишиш вақтида ишонч ҳосил қилдик. Илдан мато тайёрлаш, сифатли бўяш каби ишлардан бошлаб тайёр трикотаж маҳсулотлари, болалар ва катталар учун кийим-кечаклар ишлаб чиқариладиган ушбу корхонада бўлганимизда худуднинг озодаллиги, ишчилар учун яратилган алоҳида шарт-шароит ва қулайликлар диққатимизни тортиди.

— Корхонамизда 1000 дан ортик ишчилар хизмат қилади, уларнинг асосий қисмини ёшлар ташкил этади. Уларга иссиқ овқат, шифокор назорати, автобус хизмати ташкил этилган. Цехларимиз ҳам Германия, Малайзия, Туркия ва Япониядан келтирилган энг охириги русумдаги ускуналар, илгор технологиялар билан жиҳозланган, — дейди корхона бош муҳандиси Ҳасим Азизов. — Тайёр маҳсулотларимизнинг 80-90 фоизини асосан экспортга чиқарамиз, қолган 10-15 фоизи ўзимизнинг бозорларда харидорини топади. Асосан буюртма бўйича иш олиб борамиз. Бир йилда 5.191 тонна трикотаж маҳ-

сулоти, 15.500 тонна юқори сифатли бўялган маҳсулотлар етказиб берилмоқда. 2009 йилнинг ўтган 5 ойи мобайнида экспортга 3,9 миллион АҚШ доллари миқдоридан маҳсулот чиқарилиб, режалар 201,1 фоизга ортиб билан бажарилди.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, ушбу корхонада иқтисодий Ҳимоя, маънавий-маърифий ва меҳр-муруват ишларига ҳам катта эътибор қаратилган бўлиб Меҳрибонлик, ногиронлар уйлари, кекса, ногирон инсонларга ҳар бир байрамларда моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиб келинади.

Айни кунларда корхонада пойтахтимизнинг 2200 йиллигини муносиб кутиб

олиш учун катта тайёргарлик кўрилмоқда. 12,2 гектар худудда жойлашган корхонанинг бутун атрофлари тозаланиб, кўкаламзорлаштирилди, гул ва дарахтлар экилди.

— Режамизда ип ишлаб чиқарилган чех фаолиятини йўлга қўйиш, — дейди бош муҳандис. — Шунда пахта ни йиғириб ип ишлаб чиқариб, уни тайёр маҳсулотга айлантириш жараёни корхонамизда кечади. Ортиқча сарф-харажатлар камайтириш, камида 500 тача янги иш ўринлари яратилди. Мақсад сифатли, харидор талаб-эҳтиёжини қондирадиган трикотаж маҳсулотларини тайёрлаб халқимизга хизмат қилиш.

Мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб ёш авлод таълим-тарбияси устувор вазифалар қаторидан ўрин олди. Жаҳон андозалари даражасида қад кўтарайётган академик лицей, касб-хунар коллежлари кўрган кўзларни қувонтириб, фахр-ифтихор туйғуларини уйғотмоқда.

Туманда жойлашган Тошкент банк коллежи ҳам 1996 йилнинг 31 июлида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ ташкил этилиб, республикамиздаги банк-молия муассасалари ҳамда кичик ва хусусий бизнес соҳалари учун малакали кадрлар етказиб бераётган зиё мақомадан бири.

Айни пайтда коллежда 3000 дан ортик талаба таълим олмоқда. Уларга асосан бешта йўналишда — банк иши, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, суғурта иши, молия агентлиги ва банкларда бухгалтерия ҳисоби иқтисодчилари бўйича билим берилмоқда.

197 нафар ўқитувчи меҳнат қилаётган жамоада юқори тоифали ўқитувчилар, 3 та фан доктори ва 28 та фан номзодлари ишлашади. Коллеж таркибида шунингдек «Ахборот технологиялари маркази» ва «Ўқув банки» фаолият кўрсатмоқда.

Коллежнинг барча тузилмалари замонавий компьютерлар билан ягона компьютер тармоғига ва у орқали Интернетга уланган. Дарслар турли фанларга иқтисослашган хоналарда замонавий ўқитиш технологиялари асосида олиб борилади. Жумладан, замонавий жиҳозлар ва технологиялар билан таъминлан-

Ёшлар — келажагимиз
МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР
ЕТИШИБ ЧИҚМОҚДА

сус хоналар, спорт зали, теннис корти ва бошқа спорт майдончалари, кутубхона, заллар мавжуд.

— Коллежамиз республикамизнинг деярли барча тижорат банклари, солиқ ташкилотлари, молия муассасалари, кўплаб халқ хўжалиги тармоқлари билан, бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси, В.Пеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси, Тошкент Молия институти, Иқтисодиёт университети, Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон Банклар ассоциацияси, Республика Фонд биржаси билан яқин ҳамкорликда иш олиб боради, — дейди ўқув маскани-

нинг маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари Гиммуш Розия. — Бундан ташқари бир қанча етакчи хорижий давлатларнинг жумладан, Япония, Германия, Исроил ва Ҳамдустлик мамлакатларининг ўқув юртлари ва иқтисодий тузилмалари билан дўстлик алоқалари ўрнатилган.

Коллеж талабалари турли йўналишлар бўйича бўлиб ўтадиган олимпиадалар, конференциялар, танловлар ва ҳар хил мусобақаларда фаол қатнашиб совринли ўринларни эгаллаб келмоқдалар. Коллежини муваффақиятли тугатган талабалар республикамизнинг молия-кредит ташкилотларида Миллий банк, Халқ банки, «Фаллабанк» каби бир қатор тижорат банклари ҳамда халқ хўжалигининг турли тармоқларида ўз иш фаолиятини давом эттирмоқдалар. Бу эса банк коллежидан ўқув жараёни тўғрисида йўлга қўйилганлигидан ҳамда ўқувчиларга билим бераётган профессор-ўқитувчиларнинг фидойилиги, самарали меҳнат қилаётганидан далолатдир.

Коллежда маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш бўйича «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талабалари асосида барқарор авлоднинг тарбиялашнинг узоқ йилларга мўлжалланган тадбирлар дастури ишлаб чиқилган.

Коллежда барча ўқувчиларнинг тадбирлар ўқувчиларнинг Ватанга бўлган муҳаббати, дўстлик, садоқат, меҳр-муруват туйғуларини уйғотиб, ҳушёрликка даъват этади, уларнинг маънавий дунёқарашини шакллантиришга хизмат қилади.

Таълим дастури — амалда
ҲАВАС ҚИЛСА
АРЗИЙДИ

ча раҳбар ўринбосари Нафиса Содикова. — Ҳаммаси бўлиб 60 та синф хоналари бўлса, шулардан ҳар бирида компьютер бор, 1 та интернет, 3 та информатика, 47 та фан кабинетлари, мультимедиа, 3 та химия, биология, физика, 8 та лингафон хоналари, 21 та компьютерлашган синф хоналари бор. Химия, биология фанлари чўқур ўргатилади.

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, ушбу таълим масканидаги озодалик, гулу чечакларнинг барқ уриб туриши, синф хоналаридаги батартублик, фан кабинетларидаги деворий газета, стендлар, ҳар бир жиҳоз ўқитувчи ва ўқувчиларнинг қанчалик тартиб-интизомга амал қилишлари, масъулиятни қай даражада сезишларидан дарак бериб тургандек сизда илиқ кайфият уйғотади.

— Бу йил 219 нафар ўғил-қизимизни катта ҳаётга йўллади, — дейди сўхбатга қўшилган ўқув-тарбиявий ишлар бўйича раҳбар ўринбосари Мавжуда Исмоилова. — Улар энди ўзлари хоҳлаган академик лицей, касб-хунар коллежига кириб ўқишларини давом эттирадилар. Мустақил ҳаётнинг синонларидан ўтиб касб-хунар ёки фан сирларини эгаллайдилар. Мактабимизда турли фан тўғрисида, спортнинг ҳар хил йўналишлари бўйича мунтазам машғулотлар олиб борилади. Катта китоб фондига эга бўлган кутубхоналарда хоҳ илмий, хоҳ бадиий, хоҳ техникага оид бўлсин, истаган адабиётингизни топиб ўқишингиз мумкин. Ёнимизда «Истиқлол», «Ҳастимом», «Гуручарик» ва «Корсарой» каби маҳаллалар жойлашган. Улар билан «Оила-маҳалла-мактаб» концепцияси бўйича мунтазам иш олиб борамиз.

— Таълим соҳасида олиб борилаётган изчил ислохотлардан кутилган самара ўғил-қизларимизнинг жаҳон андозаларига мос равишда таълим-тарбия олиши экан, бу борада энг катта масъулият устоз-мураббийлар зиммасида бўлади. Шундай экан ўқитувчилардан талаб битта — бугунги кунимизга муносиб, она-Ватанини сеувучи, ҳам жисмонан, ҳам маънан комил инсонни вояга етказишдир. Мактабнинг кўтлуг оstonаси, пойдевори пишиқ, мустаҳкам бўлса, эртамининг нурли кунлари ҳам мана шундай порлок ва нурафшон бўлади.

Улуғ боболаримиздан Юсуф Хос Ҳожиб «Ўқув қайда бўлса улуглик бўлар, билим қайда бўлса буюклик бўлар» деган эдилар. Мана шу пурмаъно сўзларнинг мағзини ҳар биримиз тушуниб шунга муносиб иш олиб борсақ мақсадга мувофиқ бўлади. 28-умумтаълим мактабида олиб борилаётган ҳайри ва эзгу ишлар бунга яққол мисол бўла олади.

Материалларни Шоира МУҲАМЕДОВА тайёрлади
Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар

Анжуманлар

ВАТАН, ДЎСТЛИК ВА ХАЛҚПАРВАРЛИК УЧУН

Ҳар йили «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши ҳомийлигидаги «Камалак» болалар ташкилоти томонидан пойтахт умумтаълим мактаблари «Камалак» сардорлари иштирокида аъъанавий анжуманлар ўтказилиб келинади.

Бу йил ҳам аъъанани давом эттирган ҳолда иқтидорли болаларни излаб топиш, уларнинг истеъдод ва қобилиятларини рўйбга чиқариш, қўллаб-қувватлаш, болаларда ташаббускорлик ва ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш, ҳар томонлама соғлом авлоднинг камол топишига ҳисса қўшиш, шунингдек, Сардор, етакчилар кенгашининг ўтган даврдаги фаолиятига баҳо бериш ва кейинги иш режаларини белгилаш, эътиборлиси, 2008-2009 ўқув йилининг энг фаол сардорларини тақдирлаш мақсадида уюштирилмаган шундай анжуман яқинда Ўзбекистон Давлат консерваториясида бўлиб ўтди.

Унда пойтахтнинг барча туманларидан Сардорлар ва етакчилар кенгаши аъзолари, мактаб «Камолот» ва «Камалак» сардорлари, фаоллар, академик

лицей ва касб-ҳунар коллежлари етакчилар кенгаши аъзолари ҳамда Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари иштирок этишди.

«Ватан, дўстлик ва халқпарварлик учун» шiori остида ўтган аъъанавий саккизинчи анжуманда «Камалак» сардори — 2009», «Камалак» сардорининг фахри», «Камалак»нинг умидли юлдузи — 2009», «Йилнинг фидойи «Камалак» болалар ташкилоти» ва «Камолот»нинг ой қизи» каби қатор номинациялар бўйича голиблар «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгашининг махсус совгалари билан тақдирландилар.

Нилуфар КАРИМХЎЖАЕВА, «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар бўлими Кенгашининг матбуот хизмати ходими

Куни кеча «Халқ истеъмоли товарларининг кўргазма-ярмарка савдоси Республика маркази» ЁАЖда Шайхонтоҳур туман хотин-қизлар кўмитаси томонидан маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

ТАДБИРКОР АЁЛЛАР ФАОЛЛИК КЎРСАТИШДИ

Анжуманни кириш сўзи билан очган жамият раиси Ш.Абдуллаев бугунги кунда ижара шартномаси, тадбиркорлик гувоҳномаси ва патент асосида фаолият юритувчи тадбиркорларнинг 60 фоизини аёллар ташкил этишини, улар билан маънавий-маърифий ишлар олиб бориш, кийиниш одоби ва маданияти юзасидан мунтазам равишда соҳа мутахассисларини жалб этган ҳолда учрашув ва давра сўхбатларини ўтказиш туриш лозимлиги ҳақида тўхталиб ўтди.

Шундан сўнг сўз олган Шайхонтоҳур тумани ҳокими ўринбосари, туман хотин-қизлар кўмитаси раиси Сурайёхон Пўлатова хотин-қизлар кўмитаси томонидан амалга оширилган ишлар, аёл-

ларнинг ҳуқуқий ва тиббий билимларини ошириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш борасидаги ҳуқуқимиз томонидан қабул қилинган қарорлар, хотин-қизлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, маънавий-маърифий, ахлоқий-тарбиявий ишларни фаоллаштириш, шунингдек, уларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий билимларини ошириш бўйича қилинган ишлар юзасидан батафсил маълумот бериб, шулардан келиб чиққан ҳолда жамиятда хотин-қизлар кўмитасининг бошланғич ташкилотини ташкил этиш мақсадида мувофиқ эканлигига эътиборни қаратиб, номзодлар билан таъиништириб ўтди.

Шунингдек, анжуманда

«Тошбозортайёрловсавдо» уюшмаси хотин-қизлар комиссияси раиси М.Нуриддинова ҳам сўзга чиқиб, бугун кўмитага бошланғич ташкилот сифатида қўшилаётган «Халқ истеъмоли товарларининг кўргазма-ярмарка савдоси Республика маркази» ЁАЖ хотин-қизлар комиссиясининг келгусида намунали фаолият юритишига тилак билдирди.

Тадбирда иштирок этган туманда ва жамият таркибига фаолият юритаётган тадбиркор аёллар мавзу доирасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоблар олдилар.

Шоира МУҲАМЕДОВА

Сўранг, жавоб берамиз

Савол: — Анча йиллардан буён газетангиз муҳлисман. Айниқса, «Савол беринг, жавоб берамиз» рўкни остида берилаётган материаллардан кўп нарса ўрганаман. Агар мумкин бўлса, контрактация шартномаси ҳақида кенгроқ маълумот берсангиз.

Абдувоҳид Турсунов, Чилонзор тумани

Жавоб: — Контрактация шартномасига мувофиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи уларни қайта ишлаш ёки сотиш учун уни харид қиладиган шахсга — тайёрловчига шартлашган муддатда топшириш (топшириб туриш) мажбуриятини олади, тайёрловчи эса бу маҳсулотни қабул қилиш (қабул қилиб туриш), унинг ҳақини шартлашган муддатда белгиланган баҳода тўлаш (тўлаб туриш) мажбуриятини олади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчи ўстирилган (ишлаб чиқарилган) қишлоқ хўжалиги маҳсулотини тайёрловчига контрактация шартномасида назарда тутилган миқдор ва ассортиментда топшириши шарт.

Агар маҳсулот етиштирувчи ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган мажбуриятларини бажармаганлиги оқибатида маҳсулот шартномада назарда тутилган миқдор ва ассортиментда олинмаслиги олдиндан маълум бўлиб қолса, тайёрловчи шартномани бекор қилиш ёки ўзгартириш ва зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Агар контрактация шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, тайёрловчи етиштирувчи жойлашган ерда ундан маҳсулотни қабул қилиши (қабул қилиб туриши) шарт.

Агар маҳсулот тайёрловчи жойлашган ерда ёки кўрсатган бошқа ерда қабул қилинса, тайёрловчи етиштирувчи томонидан контрактация шартномасига мувофиқ ва шартлашган муддатда келтирилган маҳсулотни қабул қилишдан бош тортишга ҳақли эмас.

Тайёрловчи маҳсулотни олиб кетишни ёки қабул қилиб олишни таъминламаган тақдирда етиштирувчи шу маҳсулотнинг қийматини ва уни келтириш харажатларини тўлайди.

Контрактация шартномасига мувофиқ олинган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлайдиган тайёрловчи етиштирувчининг талабига кўра маҳсулотни қайта ишлашдан ҳосил бўлган қиқиндиларини тарафлар келишган нархда етиштирувчига қайтариши шарт.

Савол: — Оилада болаларнинг ҳам хусусий мулк бўлиши мумкинми, агар мумкин бўлса, у қандай тасарруф этилади?

Баҳром Шокиров, Миробод тумани

Жавоб: Саволингизга Оила кодексининг 93, 94-ва 95-моддаларидан жавоб топиш мумкин. Уларда кўрсатилишича, вояга етмаган болалар қонунда белгиланган тартибда хусусий мулк эгаси бўлиш ҳуқуқига эгадирлар.

Болаларнинг қонунда белгиланган тартибда ҳада, мерос тарихасида олган мол-мулки, шунингдек, шахсий меҳнати ва тадбиркорлик фаолияти натижасида орттирган мол-мулки уларнинг хусусий мулк ҳисобланади.

Вояга етмаганларнинг тадбиркорлик фаолиятига қўшган маблағи ва ундан орттирган даромади, агар бола билан ота-она ёки оиланинг бошқа аъзолари ўртасида бошқача тартибни белгилловчи шартнома бўлмаса, вояга етмаганларнинг хусусий мулк ҳисобланади.

Болаларнинг шахсий фойдаланишидаги буюмлари (кийим-кечак, пойабзал, ишлаб чиқариш қуроллари, ўқув анжомлари ва бошқалар) уларнинг хусусий мулк ҳисобланади.

Ота-она, фарзандликка олувчилар, васийлар ва ҳомийлар болаларнинг хусусий мулкни фуқаролик қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бошқарадилар ва тасарруф этадилар.

Ота-она ва вояга етмаган болалар ўртасида келиб чиққан мулкий низолар суд томонидан умумий асосларда ҳал қилинади. Бундай ҳолларда болаларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан амалга оширилади.

Савол: — Томорқамизда бир неча йилдан бери иморат қураямиз. Ҳозирги кунда пардозлаш ишлари кетаяпти. Уни уй сифатида расмийлаштириб олсак бўладими?

Аҳад Восиқов, Ҳамза тумани

Жавоб: Боғдорчилик ва бошқа ер участкаларида жойлашган иморатларга эга бўлган шахслар шу иморатларни уйлар сифатида расмийлаштиришни талаб қилишга ҳақлидирлар. Бу иморатлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда туман, шаҳар (шаҳар таркибига кирувчи туман) техник инвентаризация кадастр бюросида давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан бошлаб уйлар деб тан олинади.

Савол: — Қандай шахслар тутинган ота-она бўлишлари мумкин ёки қимларнинг тутинган ота-она бўлишларига йўл қўйилмайди.

Зафар САИДОВ, Раъно ҒУЛОМОВА, Шайхонтоҳур тумани

Жавоб: — Вояга етган ҳар икки жинсдаги шахслар тутинган ота-она бўлишлари мумкин. Қуйидагилар бундан мустасно:

суд томонидан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланган шахслар; қонун билан ўз зиммасига юклатилган мажбуриятни лозим даражада бажармаганлиги учун васийлик ёки ҳомийлик вазифаларини бажаришдан четлаштирилган шахслар;

илгари фарзандликка бола олган, лекин суд томонидан фарзандликка олиш бекор қилинган шахслар; қасддан қилган жиноятлари учун илгари ҳукм қилинган шахслар;

соғлигининг ҳолатига кўра болани тарбиялаш мажбуриятини бажара олмайдиган шахслар.

Тутинган ота-оналарни танлаш васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан амалга оширилади.

Тутинган ота-она тарбияга олинган болага нисбатан васийлик ҳуқуқ ва мажбуриятларига эгадир.

Моҳира СОДИКОВА, ҳуқуқшунос

Маҳалла

ОБОДЛИК ВА ОРАСТАЛИК ЯРАШАДИ

Миробод туманида 39 та маҳалла мавжуд бўлиб, қулуг шодиёнлар арафасида барча маҳалладошларнинг ҳамжиҳатлиги боис ҳам улар чирой очмоқда, ораста ва гулзор масканга айланмоқда.

Пойтахтимиз айёмига тараддуни ўзгача кўтаринкилик билан олиб бораётган маҳаллалар орасида Абдулла Авлоний маҳалласида амалга оширилаётган юмушлар салмоқлидир. Мазкур маҳалла кўп қаватли уйлари ўз ҳудудда жамлаган бўлиб, 39 та турар жой биносига 6190 нафар аҳоли истиқомат қилади. Бу ерда бир уйдан иборат хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати 17 тани ташкил этади. Малакали кадрлардан ташкил топган «Авлоний» профессионал бошқарув компанияси эса шартнома асосида 20 та кўп қаватли уйга намунали хизмат кўрсатмоқда.

— Ҳамжиҳатлик бор жойда тарғибот-ташвиқот ишлари самара беради, қўзланган вазиқлар ҳам муваффақиятли бажарилади, — дейди 5 йилдан буён маҳалла фуқаролар йиғинига раислик қилиб келётган Гулбахор Ҳасанова. — Шаҳримиз ободлигига, чиройига муносиб ҳисса қўшиш ниятида тараддуни эрта баҳордан бошлаганимиз. Ўтказилаётган хашарларда яшовчилар фаолияти таъминланяпти. Энг муҳими эса бугунги кунда ширкат мулкдорларининг ўзлари ташаббус кўрсатишмоқ-

да, уйлари асраб-авайлашмоқда. Мана яқинда «Энг намунали уй» танловини якунлади. Унда Госпиталь даҳасидаги 12-уй голиб бўлди. Шунингдек, «Энг тартибли ертўла», «Энг озода йўлак» йўналишидаги танловларимизни ҳам ўтказяпмиз.

Бугунги кунга маҳалла ҳудудига 110 та манзарали дарахтлар, 50 туп арча кўчати, 4000 минг тупдан зиёд ранг-баранг гуллар экилди. Уйлар атрофи ободонлаштирилмоқда, йўлақлар таъмирланмоқда, 10 дан зиёд бинонинг фасадига чирой б'чди, 2 та болалар майдончаси бунёд этилиб, бугун уларнинг сонини 10 тага етди. Энг муҳими, яшовчиларнинг фаоллиги ошди. Мисол тариқасида кўрсатадиган бўлсак, 35-уйнинг 6-йўлагидаги хонадон аъзолари кириш йўлагини ўз кучлари билан ажойиб таъмирлашди, гуллар билан безашди. Албатта, бугун бу ерни кўрган кўзлар қувнамоқда, кўшнлар улардан ибрат олишмоқда. Маҳалланинг барча кўп қаватли уйларида куз-қиш тайёргарлиги ҳам режа асосида бажарилмоқда.

Шу ўринда ўтказилаётган тадбирлар

хусусида ҳам айтиш жоиз. Маҳалла ҳудудидаги 328-мактаб ва 60-мактабгача таълим муассасаси билан ҳамкорликда турли учрашув ва мароқли тадбирлар уюштириляпти. «Сиз Тошкентни биласизми?», «Уч авлод, яъни боболар, оталар, болалар» деб номланган тадбирлар шулар жумласидандир. Шунингдек, кам таъминланган оилалар фарзандлари билан шахримизнинг тарихий жойлари ва музейларига саёҳатлар уюштирилди, тарихчи олимлар билан учрашувлар ўтказилди.

Шаҳримиз чиройига чирой қўшиш

мақсадида маҳалланинг 2 та янги хари-таси тайёрлаиб, жойларга ўрнатилди. Шунингдек, пойтахтимизнинг 2200 йил-лигига оид шior ва плакатлар орилиб, маҳалланинг кўринарли жойларига бан-нерлар ўрнатилди. Бу эзгу ишларнинг замирида биргина мақсад мужассам, у ҳам бўлса она шахримизнинг қулуг ай-ёмини шоду хуррамликда, ободлик ва орасталикка эришиб кутиб олишдир.



Чунки чиндан ҳам шахримиз маҳаллаларига кўркамлик ва покизалик ярашади.
Шарифа ИЛЁСОВА СУРАТДА: маҳалла ҳаётидан лавҳа

МАРОҚЛИ ҲОРДИК ЧИҚАРИШМОҚДА

Фасллар ичида ёзнинг таровати ўзгача. Агар болаларга қайси фаслни орзиқиб кутасиз, деб савол бергудек бўлсак, албатта, ёзни деб жавоб беришлари муқаррар. Чунки, ўқув йилидан чарчаган болажонларнинг қайси бири дам олишни истамайди дейсиз.

Ҳозирда кимдир ёзги таътилни оромгоҳларда, бошқалар қишлоқдаги қариндошлариникида, яна кимдир уйда яқинлари билан ўтказмоқда.

— Ёшим 7 да. Ёзда мен ўқувчилар ижодиёт марказидаги расмчилик ва миллий рақс тўғарагига қатнашяпман. Вақтимни асосан расм чизишга бағишляйман. Дўстларим билан турли ўйинлар ўйнайман. Бу фасл менга жуда ёқади, — дейди Дурдона Сайдалиева.

— Мен ёзги таътилни ярмини қишлоқдаги қариндошларим билан ўтказдим. Соя-салқин жойларда чўмилдик, ўйинлар ўйнадик. Ҳозир опам ёрдамида мустақил тарзда инглиз тилини ўрганмоқдаман. Ва ойма-га уй ишларига ёрдам берапман, — дейди Ҳуснида Умарқуллова.

Гулҳаё ЭРГАШЕВА

БУНЁДКОР ЁШЛАР — ЮРТ КЕЛАЖАГИ

«Ёшлик» талабалар шаҳарчасидаги ихтисослаштирилган сув спортини ривожлантириш Республика марказида ЎЗМУ, ТошДУ ва Тошкент молия институти талаба-ёшларидан иборат «Бунёдкор — 2009» меҳнат гуруҳлари ёзги фаолиятига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

тиёқини оширади. «Бунёдкор — 2009» меҳнат гуруҳлари ёшлари ўз шаҳарчасидаги таълим муассасаларида олиб борилаётган кичик қурилиш ҳамда Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги муносабати билан амалга оширилаётган ободонлаштириш ишларига жалб қилинган. — Жонажон пойтахтнинг янада чирой очилиши ва гуллаб-яшнашига ҳисса қўшаётганимдан хурсандман, — дей-

ди ЎЗМУ ҳуқуқшунослик факультети талабаси Бахтиёр Мамадалиев. — Йиллар ўтиб шаҳар кўркига-кўрк қўшиб турган бинолар қурилишида менинг ҳам улумим борлигини эслашнинг ўзи улкан фахр эмасми.

«Бунёдкор — 2009» меҳнат гуруҳларида шаҳарча ҳудудидаги Миллий университетнинг 100 га яқин талабалари жалб этилган бўлиб, улар асосан университетнинг Мадани-

ят саройи, кимё ва физика факультетларини таъмирлаш ишларида иштирок этишмоқда. Уларга ўртача 140 минг сўмдан маош тўланапти.

Шунингдек, бунёдкорлик ишларида Тошкент давлат техника университетининг 60 нафар, Тошкент молия институтининг 644 нафар талаба-ёшлари ҳам фаол иштирок этмоқда.

Азима ҚИЁСОВА, «Туркистон-пресс»

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Ҳурматли тадбиркорлар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари!

«Ўздавнефтегазинспекция» Тошкент шаҳар бўлими шуни маълум қиладики, «Ёнилғи-энергетика ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш масалалари бўйича интернетдаги виртуал қабулхонамизга кириб ўзингизни қизиқтирган масалалар юзасидан маълумот олишингиз, шунингдек, ёнилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш жараёнида юзага келган муаммолар ечимини бўйича бизга ёзма ёки телефон орқали мурожаат этишингиз мумкин. Бизнинг электрон манзил: nji@uzpak.uz интернетдаги манзилимиз: www.uzngi.uz Бизнинг манзил: Тошкент 100007, Мирзо Улуғбек т-ни, Мирзо Улуғбек кўча, 32 «а»-уй Тел.268-09-49

Ҳурматли тадбиркорлар!

Тошкент шаҳар ҳудудида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ноқонуний текширишларнинг олдини олиш мақсадида «Ишонч телефон»лари ташкил қилинган:

269-14-45, 262-92-42

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»

Эълонлар шанба

ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (3712) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

Спорт янгиликлари

КУРАШЧИЛАРИМИЗНИНГ
ТУРКИЯДАГИ
МУВАФФАҚИЯТИ

Ўзбекистонлик эркин ва юнон-рум курашчилари Туркиянинг Измир ҳамда Анталия шаҳарларида ташкил этилган нуфузли халқаро турнирларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилдилар.

Измирда кадетлар ўртасида ўтказилган "Галаба" халқаро турнирида гиламга чиққан ёш спортчиларимиздан Шерзод Курбонов ва Баҳром Муродов юнон-рум кураши беллашувларида ўз вазн тоифаларида барча рақибларини мағлубиятга учратиб, олтин медалга сазовор бўдилар. Аҳмаджон Маҳмудов эса бронза медал билан кифояланди.

Эркин курашчилар баҳсида гиламга чиққан Зокир Мансуров ҳам ўз тенгқурлари орасида учинчи ўринни эгаллади.

Анталияда ўн иккинчи мартаба ўтказилган аънавий "Чемпионлар" турнирида халқаро

тажрибага эга бўлган истеъдодли эркин курашчи Ихтиёр Наврўзов олтин медалга қўлини олиб, юнон-рум кураши беллашувларида қатнашган Нурбек Ўктамов ҳамда Азизбек Муродов бронза медал билан тақдирланди.

Юнон-рум кураши беллашувларида қатнашган Нурбек Ўктамов ҳамда Азизбек Муродов бронза медал билан тақдирланди.

ДОВЮРАКЛАР
БАҲСИ

Пойтахтимизда сувга сакраш бўйича ўтказилган мамлакат кубоги беллашувларида бир метрли баландликдан сакраш бўйича олмалиқлик Артур Авхадшин ва тошкентлик Елена Цибаева ғолиб чиқди.

Уч метрли трамплиндан сакраш баҳсларида Анастасия Хаменкова (Олмалик) ва Григорий Филипповга (Тошкент) етадигани топилмади. Беш метр баландликдан сакраш бўйича олмалиқлик Дарья Каширская ҳамда андижонлик Александр Голубов биринчи ўринни эгаллади.

Бохир БЕК



Божхона

САЛОМАТЛИК
МУҲИММИ,
ДАРОМАД?

Сифатсиз дори-дармон ва фармацевтика маҳсулотлари инсон учун энг азиз неъмат — сихат-саломатликка жиддий хавф туддириши шубҳасиз. Чунки, ҳар хил шароитларда ва белгиланган меъёрларга риоя қилинмаган ҳолда ташиладиган, олиб келинадиган дорилар шифо ўрнига касалликни янада кучайтириб юбориши мумкин. Афсуски, ушбу оддий ҳақиқатдан кўз юмган айрим кимсаларни юртдошларимизнинг

саломатлигидан кўра мўмай даромад кўпроқ қизиқтиради.

Республикамиз божхоначилари сифатсиз дори-дармон ва фармацевтика маҳсулотлари контрабандасига қарши курашиш борасида қатор чора-тадбирларни амалга оширишмоқдалар.

Яқинда божхоначилар яширинча олиб кетилаётган йирик миқдордаги турли хил дори-дармонларнинг манзилга етказилишининг олдини олишди. «Камаз» юк автомашинаси божхона назоратидан ўтказилганда, унга салкам 140 минг дона турли дори воситалари юкланганлиги аниқланди. Тегишли ҳужжатлари бўлмаган ва давлат тилида маркланмаган «Фитолизин», «Хилак-Форте», «Милдронат», «Йодамарин», «Бисептол» каби 15 хилдан ортиқ дори-дармонлар фармацевтика маҳсулотларини етказиб бериш талабларига умуман амал қилмаган ҳолда, яъни юк машинасидаги эҳтиёт қисм ва анжомлар учун мўлжалланган ясама темир қутилларда олиб кетилаётган экан. Хайдовчи С.Машарибов эса қарийб 29 миллион сўмлик дори воситаларини машинасига ортишдан аввал уларга тегишли ҳужжатлар у ёқда

турсин, юк эгасининг шахси билан ҳам қизиқиб кўрмаган эмиш. «Мен арава-қашман, ким нима юкласа олиб кетавераман» дея ўзини оқлаётган хайдовчининг сўзларига кўра, «Ўрикзор»га яқин жойда нотаниш кимса унга учрашиб, юкни манзилгача етказиб беришни сўраган-у, ҳужжатларини беришни пайсалга солган. Қизиқ, амалдаги тартиб-қоидаларга риоя қилмасдан, ким нимани юкласа, ташиб кетаверадиган хайдовчининг бу хатти-харакатини қандай изоҳлаш мумкин?

Таъкидлаш жоизки, республика божхоначилари томонидан олиб борилётган қатор чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг биринчи чораги давомида 30 дан ортиқ ҳолат аниқланиб, қарийб 79 миллион сўмлик дори-дармонлар ва фармацевтика маҳсулотларининг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

ЯШИРИЛГАН
«ТЕЛЕФОН»ЛАР

Мамлакатимизда мобил алоқа хизматларидан фойдаланувчи абонентлар

Давлат божхона қўмитаси
Матбуот хизмати

ҲАР ТЎҒРИДА

Италиялик фуқаро Мишель Лотито қирқ уч йилдан буён фақат металл ва ойна парчаларини еб умр кечиради. Мутахассислар ҳақиқатдан ҳам бу жаноб бир кунда 900 грамм металл ва ойна парчаларини истеъмол қилишини исботладилар. Шуниси қизиқки, Мишель Лотитонинг ошқозони тухум, гуруч, банан ва бошқа мева-сабзавотлардан қилинган овқатларни ҳазм қилолмайди. Бу ғаройиб инсоннинг жумбоғини ечиш учун жуда кўп тиббиёт ходимлари уриниб кўрдилар. Лекин унинг сирини бугунга қадар ҳеч ким ечолганича йўқ.

Калининградликлар Селедка кунини тўртинчи мартаба нишонлашди. Шаҳар тантаналарини ўтказиш вақтида узунлиги етти метр ва оғирлиги 3,5 центнердан кўп бўлган селедка-каватли салат тайёрланди.

Етти метрли балиқ думи билан тўртта бириштирилган столга аранг сиғди. Маҳсулотларнинг ҳар бир қаватига челақаб майонез қўйилди. Ошпазларнинг сўзига қараганда энг қийини бу — гўштни суягидан ажратиш бўлибди. Гўшти 100 килограммни ташкил қилган.

Улкан салатни томоша қилиш учун юзлаб калининградликлар келишди. Унинг тайёрлиши жараёнини кўриш, сўнг татиб кўриш учун 180 рублга чипта сотиб олишлари лозим эди. Бу нархга хоҳловчилар шунчалик камлигидан байрам сўнгига қассирлар нархни олти мартабага пасайтиришга мажбур бўлишди.

Польшадаги Щецине шаҳридаги кутубхона ходимлари аҳолини билимга, маърифатга чорлаш мақсадида ўз қиройларидан фойдаланишмоқда. Аёллар китоблар сақланаётган бинода модлар намойишини амалга оширишди. Бундай акциянинг ўзи кифоя қилиб, кутубхонага ташриф буюрувчиларнинг сони ортди. «Ўқувчиларнинг аксариятини эркаклар ташкил қиларди. Кутубхона ходимларининг ўз имижларини ўзгартиришлари анча-муноча фойда келтирди. Ишга кирувчилар учун эса қоматларининг 90-60-90 сантиметр бўлиши эмас, балки олий маълумот ва чет тилларидан биттасини билиш талаблари қўйилган.

Сезгир инсонларнинг умри узок бўлади. Эдинбург университети олимлари сезиш ҳолати юқори бўлмаган инсонлар умрларининг эрта хазон бўлишига сабабчи бўлишини аниқлашган. Қизиғи, бу бахтсиз ҳолатлар билан боғлиқ эмас экан. Аниқланишича, сезгир инсонлар олий маълумотга эга бўлиб, ҳаётда ўз ўринларини топишади ва юқори муваффақиятларга эришишади. Буларнинг бари соғлом ҳаёт тарзи шаклланиши демакдир.

Миланда 20 минг еврога ажойиб ваннанинг янги намунаси сотувга чиқарилди. Дизайнерлар яратган аёллар туфлиси кўринишидаги ваннанинг безакли ва нақшли безакларидан ҳар қандай инсон баҳра олиши мумкин.

Айтиш жоизки, ҳар қандай тилсимот одамзот ақли олдида лол қолар экан. Мана, йиллар ўтган сари инсон онги нималарга қодирлигини исботлади. Замонлар ўзгариб тараққиёт янада ўсди, алоқа ва телекоммуникация соҳаси жадал ривожланиб, аҳолининг кўпгина юмушлари энгиллашди. Бугунги кунда дунёнинг қай бурчада бўлсангиз ҳам истаган одамнингиз билан симсиз алоқа орқали боғланиб, бемалол суҳбат қуришингиз, қисқа дақиқалар ичида муаммоларингизни ҳал этишингиз мумкин. Хатто дунёнинг чекка давлатларида бўлаётган ҳар қандай воқеа-ҳодисаларни кузатиш имкониятига эгасиз.

Дарҳақиқат, алоқа ва хабар етказиш хусусида гап кетар экан, йил сайин ривож топиб бораётган бугунги алоқа ва телекоммуникация соҳаси энг дастёр тармоқлардан бирига айланган улгурди, десак муболага бўлмайди. Негаки, ҳаётимизнинг ҳеч бир жаҳасини глобал ахборот ва тезкор алоқасиз тасаввур этиш қийин.

Нафақат ҳарбий ҳаракатлар пайтида, балки тинчлик даврида ҳам барча тузилмалар учун алоқа ва хабар етказиш соҳаси муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, фавқулодда вазиятлар ва бошқа кўнгилсиз ҳодисалар чоғида тезкор хабарнинг ўрни бўлакча. Шунинг учун ҳам, ФВВ ва унинг қўйи тузилмаларида бунга алоқада эътибор кучайтирилиб, замонавий алоқа ва хабар етказиш воситалари билан таъминлаш ҳамда улардан унумли

фойдаланиш яхши йўлга қўйилган. Гапнинг индаллосини айтганидан бўлса, республикамизда инсон ҳаёти, унинг ҳуқуқий манфаатлари ва хавфсиз турмуш тарзи энг устувор масалалардан бири экан,

да ишлайдиган ишчи-хизматчилар ҳаётини ва моддий бойликларини сақлаб қолиш учун даставвал нималарга эътибор қаратиши керак, қандай чора-тадбир кўриши керак?

Утган йили Тошкент шаҳар Фавқулодда вазиятлар бошқармаси раҳбарияти томонидан «Миробод тумани худудиди талафотли (8-9 балли) зилзила рўй берганида туман телефон боғламаси (Алоқа ва оғоҳлантириш хизмати)нинг ҳаракатлари» мавзусидаги амалий махсус-тактик ўқув машқи бежиз ўтказилмаганди. Бундай тадбирларни пойтахтнинг деярли барча туманларида ўтказиш, автомат телефон станцияси раҳбарлари томонидан юзга келган фавқулодда вазиятларнинг оқибатларини бартараф этиш, тезкор алоқа билан таъминлаш ишларини ташкил этиш бўйича амалий ҳаракатлар синовдан ўтказилмоқда.

Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган барча корхоналардаги алоқа ва хабар бериш тизимлари ўрганиб чиқилди, — дейди Тошкент шаҳар ФВВ алоқа ва хабар бериш бўлими бошлиғи подполковник Иззатилла Акбаров. — Айни пайтда мавжуд камчиликлар аниқланиб, корхона раҳбарларига тегишли кўрсатма берилган. Шундай экан, замонавий алоқа ва хабар бериш тизимларини янада такомиллаштириш ҳамда бундай зарур воситаларнинг сифати ва самарасини эътиборни кучайтириш, уларнинг хизматидан унумли фойдаланиш давр тақозосидир.

Азамат СУЮНОВ

Фавқулодда вазиятлар бошқармаси фаолиятдан алоқа тизими — муҳим соҳа


Илгари ота-боболаримиз бирор манзилга хушхабар етказмоқчи бўлса ёки қандайдир нохуш вазият тўғрисида ахборот узатмоқчи ихтиёр этса, албатта, энг муҳим ва қўлай алоқа воситаси сифатида чопар отлардан, ҳатто хат ташувчи кабутарлардан унумли фойдаланганликлари тарихдан маълум.

бунга ҳеч ким, ҳеч қачон бефарқ бўлишга ҳақли эмас. Маълумки, ҳар бир идора, корхона ёки ўқув муассасаси раҳбари — Фуқаро муҳофазаси бошлиғи ҳисобланади. Бу шубҳасиз, энг масъул, асосий вазифалардан бири. Шундай экан, ҳар бир раҳбар ёки мутасадди ходим қалтис вазиятларда ўта ҳушёрлик билан муҳофаза юмушларини бошқара олишга қодир шахс бўлиши керак.

Оддий бир савол. Бирор қор-ҳол рўй бергудек бўлса, Фуқаро муҳофазаси бошлиғи биринчи навбатда ишни нимадан бошлаши керак, қўл ости-

алоқа ва тезкор хабар етказиш тизими жуда муҳим роль ўйнайди. Фавқулодда вазиятлар ёки бошқа нохушлик юзга келгудек бўлса, идора, корхона ёки ўқув муассасаси раҳбари муҳофаза кучлари бу хавфдан дарҳол оғоҳ этишда биринчи навбатда алоқа воситасидан фойдаланади. Шунинг учун ҳам қўмондон-штаб машқи бўладими, ўқув-тактик машғулот ёки бошқа муҳофаза тадбирлари бўладими алоқа воситаларининг шайлиги ҳамда унинг хабар етказиш сифати ва самарасига алоҳида баҳо берилади. Чунки тасодифан

Азамат СУЮНОВ



МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР
ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Акmal АҚРОМОВ

Манзилимиз: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:

Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилди.
2857 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

МАШРИҚЗАМИН —
ҲИКМАТ БЎСТОНИ

ҲИКМАТЛАР

УЛУҒЛИК ВА ТУБАНЛИК

Арасту айтади:

— Улуғликка эришиш ниҳоятда қийин, аммо хорлик ва забунликка тушиб қолиш жуда осон. Одамларнинг айбини қидириб юрган киши улуғлик даражасига эришолмайди.

ГАП ЭГАСИНИ ТОПАДИ

Букрот панду насихат сўзларини айтди. Бир жоҳил эътироз билдириб, деди:

— Кишилар сенинг бу пандларингни қабул ҳам қилмадилар, амал ҳам.

Ҳаким деди:

— Айтган сўз тўғри ва фойдали бўлса, харидор ўзи топилади. Шунинг учун ҳам мен кишиларга "пандимни қабул қилинг", деб таклиф этмоқчи эмасман.

ДЎСТЛИК КЎРИНИШЛАРИ

Букрот айтади:

— Икки оқилнинг дўстлиги ақл тақозосича бўлиб, бу дўстликнинг умри боқий бўлади. Аммо икки нодоннинг дўстлиги эса барқарор бўлмайди, чунки улар ўз манфаатлари юзасидан тездагина уришиб қоладилар. Икки жоҳил дўстлиги эса ҳеч қачон боқий бўлолмайди, улар бирор нарса устида бир қарорга келолмайдилар, натижа-си эса зарар билан тугайди.

ОДОБЛИ ВА ОДОБСИЗНИНГ ФАРҚИ

Бир кун Букротдан:

— Одобли билан одобсизнинг ўрта-сидаги фарқ қандай? — деб сўради-лар.

— Гапирадиган ҳайвон билан гапир-майдиган ҳайвон орасидаги фарқ қаби, — деб жавоб берди у.

ҲАРИСЛИК — ФАҚИРЛИК

Букрот ўз шогирдларига насихат қилиб дерди:

— Баттар фақир бўлмай десангиз, мол йиғишга ҳарис бўлманг!

МЕЪЁРНИ САҚЛА

Букрот айтган эди:

— Ортиқча ширин бўлмагинки, еб юбормасинлар ва ортиқча аччиқ бўлмагинки, туфлаб ташламасинлар.

Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлади

Тошкент тиббиёт академияси жамоаси акка-демиянинг ЛОР касалликлари кафедраси прро-фессори Холида Эркиновна Шайховага отаси Эркин Турдиевич ШАЙХОВНИНГ вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

«Тошэлектротранс» Давлат компанияси жамоаси ккомпаниянинг энергия бўлигини тасарруф этиш хизмати бошлиғи Фаррух Батирович КАДИРОВГА отаси Батир Воҳидович КАДИРОВНИНГ вафот этганиги муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси жамоаси Юнусобод туман ФХДЭ бўлими мудираси ММар-ҳамат Муратовна Юлдашевага укаси Умар Муратович ЮЛДАШЕВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси жамоаси хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус Зариф Сарабекович Давроновга отаси УҒИЛЙ АЯ ДАВРОНОВНИНГ вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшомининг компьютер марказида терилди ва сақлаланди.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмоқчиси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

15₸ 89